

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

Ж . ЖЎРАЕВ

**«МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК»
ФАНИ БЎЙИЧА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ЖИЗЗАХ – 2010

ЖЎРАЕВ.Ж «Маънавият асолари ва диншунослик» ўқув курси бўйича таълим технологияси: Услубий қўлланма «Барча йўналишлар учун ўқитиш технологиялари». – Жиззах: Жиз ПИ, 2010 й.

Такризчилар:

Ф.ф.н., доц Қ.Ўролов

Катта ўқит. С.Назарқосимов

Ушбу ўқув қўлланмада «Маънавият асослари ва диншунослик» фани услубий асослари ва усуллари, «Маънавият асолари ва диншунослик» ўқув курси бўйича педогогик ва ахборат технологияларидан фойдаланиш тартиби акс эттирилган. Ушбу таълим технологиясида таълимнинг замонвий талабларини ҳисобга олган ҳолда маъруза ва семинар машғулотларини ўқитишда педогогик технологиялардан фаол усул, Т-схема, аклий хужум, муаммоли, кургазмали, ахборат маърузалар усулларида фойдаланишнинг услубий томонлари ёритилган. Таълим технологияси олий таълим ва бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари учун мўлжаллаб тузилган.

Муаллифлар таҳририда нашр этилган

Ж.Жўраев .: ЖизПИ, 2010.

Мундарижа

КИРИШ		
« МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК» ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ		
1.	«Маънавият асослари ва диншунослик» курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси	
2.	«Маънавият асослари ва диншунослик» ўқув курсининг мазмуни	
3.	Ўқув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари	
МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ		
1-мавзу	Маънавият тушунчаси, унинг келиб чиқиши	
1.1.1	Кириш-мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологияси	
1.2.1	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси, «юмалок стол атрофида»	
2-мавзу	Маънавият ва маънавий мерос уларнинг қадимийлиги ва узаро муносабати, маънавият ва маданият	
2.1.1	Кўргазмалар тематик маърузани олиб бориш технологияси	
2.2.1	Семинар конференцияни олиб бориш технологияси	
3-мавзу	Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг узаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган урни. Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура	
3.1.1.	Маъруза конференцияни олиб бориш технологияси	
3.1.2	Кўргазмалар тематик маърузани олиб бориш технологияси	
3.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулот олиб бориш технологияси	
4-мавзу	Миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг узаро муносабати. Марказий осиё халқларининг қадимий маънавияти	
4.1.1	Ахборотли - маърузани олиб бориш технологияси	
4.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулот олиб бориш технологияси	
5-мавзу	Ислон динида инсон маънавияти масаласи.Тасаввуф таълимотида шахснинг маънавий кифоаси	
5.1.1	Маъруза конференцияни олиб бориш технологияси	
5.2.1	Мунозара семинарни олиб бориш технологияси	
5.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулот олиб бориш технологияси	
6-мавзу	Марказий осиё фалсафий тафаккурида маънавият масалалари. Амур Темур ва унинг ахлокий уғитлари	
6.1.1	Кўргазмалар маърузани олиб бориш технологияси	
6.1.2	Муаммоли маърузани олиб бориш технологияси	
6.2.1.	Семинар конференцияга асосланган машғулотни олиб бориш технологияси	
6.2.2.	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулот олиб	

	бориш технологияси	
7-мавзу	Мустамлакачилик, қарамлик шароитида маънавиятга муносабат ва унинг оқибатлари	
7.1.1	Мунозарали маърузани олиб бориш технологияси	
7.1.2	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
7.2.1.	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
7.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
8-мавзу	Маънавий баркамол инсон тушунчаси ва унинг шарқона таърифи ҳамда қомил инсон муаммоси	
8.1.1	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
8.1.2	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
8.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга мўлжалланган семинар олиб бориш технологияси	
8.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
9-мавзу	Ватанпарварлик ва инсонпарварлик тушунчалари ҳамда миллий уз-узини англаш миллий ғурур ва миллатга садоқатлилик рамзлари. Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик - шахс маънавий фазилатлари.	
9.1.1.	Маъруза конференцияни олиб бориш технологияси	
9.1.2	Информацион маърузани олиб бориш технологияси	
9.2.1	Муаммоли семинар олиб бориш технологияси	
9.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
10-мавзу	Диншунослик фанига кириш	
10.1.1	Ахборотли -маърузани олиб бориш технологияси	
10.1.2	Конференция маърузани олиб бориш технологияси	
10.2.1.	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
10.2.2.	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
11-мавзу	Диннинг ибтидоий шакллари	
11.1.1	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
11.1.2	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
11.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
11.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
12-мавзу	Зардуштийлик дини	
12.1.1	Ахборотли -маърузани олиб бориш технологияси	
12.1.2	Конференция маърузани олиб бориш технологияси	
12.2.1	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
12.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
13-мавзу	Миллий динлар	
13.1.1.	Кўргазмали маърузани олиб бориш технологияси	

13.1.2	Муаммоли маърузани олиб бориш технологияси	
13.2.1	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
13.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
14-мавзу	Буддизм дини	
14.1.1.	Ахборотли -маърузани олиб бориш технологияси	
14.1.2	Конференция маърузани олиб бориш технологияси	
14.2.1	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
14.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
15-мавзу	Християнлик дини	
15.1.1.	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
15.1.2	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
15.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга мўлжалланган семинар олиб бориш технологияси	
15.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
16-мавзу	Ислом дини	
16.1.1.	Маъруза конференцияни олиб бориш технологияси	
16.1.2	Информацион маърузани олиб бориш технологияси	
16.2.1	Муаммоли семинар олиб бориш технологияси	
16.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
17-мавзу	Исломнинг асосий манбалари	
17.1.1.	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
17.1.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга мўлжалланган семинар олиб бориш технологияси	
17.2.1	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	
18-мавзу	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар	
18.1.1.	Мунозарали маърузани олиб бориш технологияси	
18.1.2	Кўргазмали тематик маърузани олиб бориш технологияси	
18.2.1	Семинар конференцияга асосланган машғулоти олиб бориш технологияси	
18.2.2	Билимлар доирасини кенгайтиришга асосланган амалий машғулоти олиб бориш технологияси	

КИРИШ

«Маънавият асослари ва диншунослик» ўқув курси бўйича таълим технологияси маъруза ва семинар машғулотларни ўқитишнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган илғор педагогик технология қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланманинг таркиби кириш, статистика фанини ўқитиш технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва семинар машғулотларни ўқитиш технологияларидан ташкил топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Маънавият асослари ва диншунослик» махсус курси Давлат таълими стандартларига асосан ушбу курсни ўқитишнинг долзарблиги асосланган, ўқув соатларининг мавзулар бўйича тақсимланиши ҳамда курснинг асосий мазмуни очиб берилган. Шунингдек, таълим технологиясини ишлаб чиқишда қўлланилган асосий қоидалари: таълим усули ва техникаси; ташкил қилиш шакли, воситаси; коммуникация усуллари; берилган маълумотларни назорат қилиш усуллари ва воситалари; баҳолаш ва назорат қилиш тартиблари киритилган.

«Маънавият асослари ва диншунослик» ўқув курси бўйича таълим технологияси маъруза ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Маънавият асослари ва диншунослик» ўқув курсини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган ҳамда курс бўйича ўқитишнинг мазмуни очиб берилган. Шу билан бирга ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситаларининг концептуал асослари киритилгандир.

Сўнгра курс бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) маъруза машғулотларини олиб боришнинг кириш-маъруза, мавзу асосида маъруза, муаммоли маъруза, визуаллаштирилган маъруза ва якунловчи маърузалар кўринишлари қўлланилиши;

2) амалий машғулотларни олиб боришнинг топшириқларни индивидуал тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, вазиятли ишланма, назарий билимлар асосида билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштиришга йўналтирилган амалий топшириқларни бажарилиши.

Курснинг структурасини мундарижа билан биргаликда схема кўринишида ҳам берилганлиги китобда йўналишни янада осонлаштиради.

Мазкур таълим технологияси барча бакалавр йўналиши бўйича ва малака ошириш курсларида, ўқитиш технологиясида кўзда тутилган шароитлар ва вақти мавжуд бўлган ҳолда «Маънавият асослари ва диншунослик» курсини олиб боришда ўқитувчи томонидан қўлланилиши мумкин.

«МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК» ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.	«Маънавият асослари ва диншунослик» ўқув курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси
-----------	--

Ушбу курсда «Маънавият асослари ва диншунослик» фанининг назарияси, предмети ва методи кўриб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш ҳар томонлама етук мутахассисларни тарбиялаш ушбу фаннинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўқитиш мақсади ва вазифалари. Ўқув предметининг мақсади - талабаларда Маънавият асослари ва диншунослик фанининг назарияси, методи ва амалиёти билимлар ва зарурий ўқув малакасини шакллантиришдир.

Ушбу «Маънавият асослари» маърузалари тўпламида, мустақил Ўзбекистонимизда шахс, давлат ва жамиятнинг иқтисодий ислохотлар шароитида маънавият юксалишининг назарий томонлари истифол ва истиқбол йўлидаги республиканинг шу масалага оид олиб бораётган сиёсати баён қилиб берилган. Ундаги фикр ва мулоҳазалар илғор Шарқ, айниқса Марказий Осиё маънавияти, маданияти маърифати, илм-фан тарихи, адабиёти ва санъатининг минтақада ривожланиши, давлат ҳокимиятининг, Президент Ислом Каримовнинг маънавиятга оид ҳужжат ва асарлари асосида мамлакатимиз кундалик турмушини таҳлил қилишга асосланган.

Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримов 1997 йил 29 августида Олий Мажлисининг 9-сессиясида «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида «ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир» деган эдилар. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятмизни тиклаш ва янада юксалтириш миллий таълим тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда. Умуман 9-сессияда «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг қабул қилиниши катта ижтимоий ва сиёсий воқеа бўлди. Таълим дастурини амалга ошириш тўғрисидаги асосий мақсад ва вазифалар батафсил белгилаб берилди. Шу боисдан ҳам тўпламнинг баъзи бир камчиликлардан холи эмаслигини эътиборга олиб, муаллифлар матнлар мазмуни ва услубий йўналишлари бўйича билдириладиган таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирадилар.

Ушбу маънавият асослари маърузалари тўпламида муаллифлар юқоридаги катта ниятга бир дебоҳа сифатида миллий маънавиятимизнинг тарихий-тадрижий тараққиёт йўлига умумий тарзда назар ташлашга интилиб, унинг такомил мавзулари ҳақида ўз фикр – мулоҳазаларини баён этдилар.

Ушбу қўлланма академик лицей ва касб –ҳунар коллежлари ўқитувчиларига, маънавият масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ушбу курсни ўрганиш қуйидаги фанларни билишни тақазо этади: тарих, миллий истиқлол ғоя, ЎзДЖҚА, маданиятшунослик, фалсафа, адабиёт, социология, сиёсатшунослик.

- Ушбу фанда маъруза ва амалий (семинар) машғулотларида муаммоли таълим технологиялари, «Бумеранг» ва «Веер» технологиялари, кластер усуллари каби

илғор педогогик технологиялардан фойдаланилади. Шунингдек, ҳар бир мавзуда, компьютердан, слайдлардан фойдаланиш, эшитиш (аудио) воситалари, кўриш (видео) воситалари, кўриш -эшитиш (аудиовидео) воситалари, мультимедия воситалари ҳам Интернет саҳифалари ва хизматларидан фойдаланилади.

Ўқув курси бўйича умумий аудитория соатларининг ҳажми –54 соатни ташкил қилиб, шундан 36 соати маъруза ва 18 соати семинар соатлари, мустақил ўрганиш учун – 40 соат ажратилган.

2. Машғулотлар турлари бўйича ўқув соатларининг тақсимланиши

2. 1.Ўқув режасида фанга ажратилган жами академик соат ҳажми ва уни дарс турлари бўйича тақсимланиши

№	Мавзу номи	Аудитория соатлари		Мустақил таълим
		Маъруза	Семинар	
1	Маънавият тушунчаси, унинг келиб чиқиши	2	1	4
2	Маънавият ва маънавий мерос. уларнинг кадимийлиги ва узаро муносабати, маънавият ва маданият	2	1	4
3	Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг узаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган урни Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура	2	1	4
4	Миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг узаро муносабати. Марказий осиё халқларининг кадимий маънавияти	2	1	4
5	Ислом динида инсон маънавияти масаласи.Тасаввуф таълимотида шахснинг маънавий кифоаси	2	1	4
6	Марказий осиё фалсафий тафаккурида маънавият масалалари. Амур Темур ва унинг ахлокий уғитлари	2	1	2
7	Мустамлакачилик, карамлик шароитида маънавиятга муносабат ва унинг оқибатлари	2	1	2
8	Маънавий баркамол инсон тушунчаси ва унинг шарқона таърифи ҳамда комил инсон муаммоси	2	1	2
9	Ватанпарварлик ва инсонпарварлик тушунчалари ҳамда миллий уз-узани англаш миллий гурур ва миллатга садоқатлилик рамзлари	2	1	2

10	«Диншунослик» фанига кириш	2	1	2
11	Диннинг ибтидоий шакллари	2	1	2
12	Миллий динлар	2	1	2
13	Зардуштийлик	2	1	2
14	Буддизм	2	1	1
15	Христианлик	2	1	1
16	Ислом	2	1	1
17	Исломнинг асосий манбалари	2	1	1
18	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар	2	1	1
	Жами	36	18	40
	Ҳаммаси	94		

«Маънавият асослари ва диншунослик» фанининг асосий мазмуни

1-мавзу. Маънавият тушунчаси, унинг келиб чиқиши

Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат ва маданият тушунчаларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Буюк Алишер Навоий «маъно аҳли» деганда ҳақиқат йўлига кирган комил инсонни назарда тутганлар. Маърифат –илм, ирфон, маориф ҳам деганидир. Демак, маънавият инсоннинг руҳий оламидир.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Маънавият-инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир», деган эди. Бинобарин, жамиятнинг, инсонларнинг маънавий маданияти қанча юксак бўлса ватанимиз Ўзбекистон шунча тез мустақамланиб боради, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш осонланади.

2-мавзу. Маънавият ва маънавий мерос. уларнинг кадимийлиги ва узаро муносабати, маънавият ва маданият

Маънавий мерос- маънавият ривожланишининг узоқ даврлар мобайнида таркиб топган, инсон ақл-заковатининг мужассамлашган ифодасидир. Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маъданият бойликлар мажмуига маданий мерос дейилади. Жамият ўзгариши билан унинг маданияти, типи ҳам ўзгаради-ю, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият йўқ бўлиб кетмайди, маданий мерос ва анъаналари сақланади. Ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини ҳар гал ангитдан яратмайди, балки аجدодлар томонидан яратилган маданий бойликларни қабул қилиб олади. Тарихий ворислик-жамият ва унинг маданияти

равнакининг шартидир. Чунки тарихи давомийлик маънавият ривожланишининг қонуниятлари ҳисобланади.

3-мавзу. Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг узаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган урни. Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура

Иқтисодиёт – юнонча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради. Иқтисодиёт – халқ хўжалиги тармоқлари, бўлимлари йиғиндиси, секторлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш) ва давлат хўжалиги бўлимлари, ишлаб чиқариш шароитлари ва элементларини ўрганувчи фан тармоғи ҳамдир.

Иқтисодиёт – моддий ва маънавий ҳаётни, халқнинг турмишини билдиради. Ҳар бир кишига хўжаликда ва оилада тежамкор бўлиши, мол-мулк қадрига етиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат эвазига орттирилган барча нарсаларга тежам ва жонкуярлик билан муносабатда бўлиш, келажақда ҳақиқий уй эгаси, чинакам хўжайин бўлишда ёрдам беради. Давлат мол-мулкини кўз қорачиғидай асраш, ҳалол, пок, тўғри бўлиш кабиларни ўз ичига олади.

Иқтисод - моддий бойликлар ва маънавий ғаниматларнинг муштараклигидан иборат – ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси – жамиятнинг иқтисодий базасидир.

СИЁСАТ – юнонча «полос» – давлат сўзидан олинган бўлиб, давлат ва жамият ишлари билан бевосита шуғулланиш жараёнини англатади.

Сиёсат - бу жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган оддий ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга, аниқ мақсадларга эришишга қаратилган фаолият ёки воситасидир. У ёки бу сиёсат юритилиши турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш фаолиятига боғлиқ бўлиб, унинг марказида давлат туради. Ана шу давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш бош масаладир. Сиёсат юритилишидаги энг муҳим ва моҳиятли йўналиш - давлат ҳокимиятини қўриқидир. Ҳар қандай сиёсат фанга асосланади, унинг илмий-назарий қоида ва хулосаларини ўзида ифода қилади. Илмий-назарий билимлар қанчалик чуқур бўлса, сиёсат ҳам шунчалик тўғри ва самарали бўлади.

4-мавзу. Миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг узаро муносабати. Марказий осий халқларининг қадимий маънавияти

Э Т Н О С – (этник бирлик ҳам дейилади) - кишиларнинг қабила, элат, миллатдан иборат бўлган, тарихан таркиб топган барқарор ижтимоий гуруҳдир. Этник бирлик тушунчаси этнография жиҳатдан х а л қ маъносини билдиради. Демак, халқ - этник бирлик (қабила, элат, миллат) ларнинг турли шакллари ифодалаш учун ишлатиладиган атамадир. Баъзан, этник бирлик деганда бир қанча халқлар, шунингдек халқнинг муайян хусусиятлар билан ажралиб турадиган қисмлари тушунилади.

М И Л Л А Т - деб муайян бир ҳудуд доирасида, истиқомат қиладиган моддий-иқтисодий ишлаб чиқариш тури атрофида бирлашган битта адабий тилда сўзлашадиган, яхлит маънавий руҳий табиатга эга бўлган этнослар-элатларнинг турихий бирлигига айтамыз. Ёки, бошқача айтганда: миллат кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий алоқалари, маданияти ва характерли хусусиятлари шаклланиши ҳамда умумийлигининг тарихий шаклидир.

Миллат бир сўз билан айтганда маънавият бирлигидир. Маънавият-давлат асоси, давлат ва маънавият суянчиғи. Миллий маънавият, аввало, тарихий ҳодисадир. У қисқа даврда шаклланмайди. Марказий Осиё халқлари ибтидоси билан боғлиқ. Миллий маънавият тарихи миллатнинг маънавий ривожини билан боғлиқ. Миллий маънавий

камолот замонда яънимиллатнинг бутун тарихи давомида юз беради, аммо у баъзан шиддат билан юксалса, баъзан таназзулга юз тутиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятнинг вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки, тош қуролларида тирикчилик учун фойдаланишдан анча такомиллашган меҳнат қуроллари ясашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятига эга бўлганлигидан далолат беради. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бактирия, Хоразм, Сўғдиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари, Паркана каби ўлкаларда турли қabila ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг «илдизи» ҳисобланган сак-массагетлар, сўғдлар хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар ва парканаликлар каби қabila ва уруғлар билан бирлашиб кетган ва ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги халқларнинг аجدодлари пайдо бўлган.

5-мавзу. Ислом динида инсон маънавияти масаласи. Тасаввуф таълимотида шахснинг маънавий киёфаси

«Қуръон»да саҳоват, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Унда эҳсон мазмуни кенг қамровда олинади. Унга муомала ҳам, инсон амалга оширадиган барча яхши ишлар ҳам киритилади. Эҳсон – инсоннинг табиий вазифаси бўлиши кераклиги талқин этилади. Ким бировга эҳсон қилса, унинг фойдаси ўша кимсанинг ўзига қайтиши, чунки бировга яхшилик қилган киши ўзида руҳий қаноат ҳис этиши, бошқалар томонидан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиш таъкидланади.

«Қуръон Карим»да эҳсонга лойиқ биринчи навбатда ота-оналар критилади ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23-24- оятларида ота-онага яхшилик - Аллоҳ таолога ибодат қилишдан кейин иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она қандай инсон бўлишидан қатъи назар, фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаш, уларнинг сўзларини қайтармаслиги, ота-она ҳам болани дунёга келтириш билан бирга, фарзандга таълим-тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриши таъкидланади.

Тасаввуф (суфийлик) – соф дегани исломдаги диний-фалсафий оқим. Тасаввуф таълимоти VIII асрларда исломда пайдо бўлган. Унда халқнинг ақли, таваккури, маънавий ҳаёти, ҳикматлари ўз ифодасини топган. Тасаввуф - Оллоҳ ва пайғамбарларни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Умуман тасаввуф бидъат, ғафлат, дунёпарастлик ва халқдаги парокандаликларга қарши бўлган буюк кишиларнинг маслағи асосида тузилгандир. Тасаввуфда инсонпарварлик, одамийлик, инсоф, саҳоват, муҳаббат, ҳақидаги ғоялар мужассамланган. Демак, тасаввуф аҳли пок ва гўзал бўлишга, ҳақ ва ҳақиқатни билишга интилган.

6-мавзу. Марказий осий фалсафий тафаккурида маънавият масалалари.

Амир Темур ва унинг ахлокий ўғитлари

Бутун Шарқда бўлгани каби Моварауннаҳрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машҳур бўлган файласуф ва мунажжимлар, математика, физика, тибийёт, тарих, тил ва адабийёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар етишиб чикдилар. Улар ўз илмий ишларида ахлоқ-одоб масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Булар илгари сурган ғоялар

инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камол топишида педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. Демак, Марказий Осиё-Шарқнинг бксак маънавият ва йирик илмий тафаккур марказига айланди. Ана шу IX-XII аср Шарқ Ренессанси даврининг буюк алломалари жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бутун Шарқда бўлгани каби Моварауннаҳрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида ўз хизматлари билан дунёга машҳур бўлган файласуф ва мунажжимлар, математика, физика, тибийёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мероси билан ном қолдирган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар етишиб чиқдилар. Улар ўз илмий ишларида ахлоқ-одоб масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Булар илгари сурган ғоялар инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камол топишида педагогик фикр тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. Демак, Марказий Осиё-Шарқнинг бксак маънавият ва йирик илмий тафаккур марказига айланди. Ана шу IX-XII аср Шарқ Ренессанси даврининг буюк алломалари жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Амир Темур маънавий салоҳияти Туркистон давлати идора қилиш, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш билан изоҳланади. Мовароуннаҳрнинг қадимий иқтисодий маданий шухратини қайта тиклаш йилларида унинг маънавий салоҳияти янада камол топди ва ижтимоий ҳаётда тўлалигича намоён бўлди. Ана шунинг учун ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари, давлат идора тизими иқтисодий молиявий деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо маданият, фан меъморчилик ҳарбий ҳалқаро алоқалар ислом, дини, шариат ва бошқа соҳалар мақсадга мувофиқ ривожланади. Амир Темур давлатни бошқаришда, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда, халқ оммаси, мансабдор шахслар олиму фузалолар, ислом раҳномаларига муносабатда Аллоҳга иймонга, тафаккурга, китобга ва энг сўнгги чораларга қиличга асосланиб иш юритдилар ҳукм чиқардилар.

«Темур тузуклари»да Амир Темур ва 1342-1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Темур тузуклари» да Амир Темурнинг асосий доктринаси – жамиятга, ижтимоий – сиёсий ҳаётга қарши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодаланган. «Темур Тузуклари» - подшоҳларнинг туриш-турмуш ва одоб-ахлоқ меъёрларини белгиловчи рисоладир.

7-мавзу. Мустамлакачилик, карамлик шароитида маънавиятга муносабат ва унинг оқибатлари

Рус босқичи арафасида Марказий Туркистонда 3 та давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қокон хонликлари мавжуд эди. Россия империяси XIX аср 60-йилларида бу ўлкани босиб ола бошлади. Турон заминида босиб олиш сиёсати 150 йил давом этди. XIX аср охирида Россия империяси Ер юзи қуруқлик қисмининг 5 дан 1 қисмига эгалик қила бошлади. Бу ҳудуднинг 95 фоизи Турон ерлари эди. Россия 200 га яқин миллат ва элатларнинг турмаси бўлиб қолди. 50 га яқин камсонли халқ ўз миллий қиёфасини йўқотди. Унинг ҳудуди эса 22 миллион 400 минг кв.км бўлиб қолди. Ёки бошқача айтганда Туронзамин ҳисобига Россия империясининг ерлари 100 бараваридан ортиқча кенгайди, бунга фақат босқинчилик билан эришган.

Мустамлакачилик мафкураси босқичи, зулскор учун сифатида ўлкадаги миллий маданиятга тиш-тирноғи билан қарши бўлган бўлса, Туркистон ҳудудидаги жоҳил кучлар ҳам Европанинг илғор фан ва маданиятига шундай муносабатда бўлдилар.

Босқинчилар ўлкамиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларига ёзувларча қўл чўзишди. Ўз эрки ва мустақиллигидан маҳрум этилган халқимизнинг, кўрмаган жабр-жафоси, чекмаган азоб-укубати, бошидан ўтказмаган ҳўрликлари қолмади...

Чор ҳукумати Туркистоннинг табиий-иқтисодий бойликларини талаш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг мустамлакачилик сиёсатида тобе халқларни бўғишга, уларни сиёсий онгсиз қилиб қуйишга, сиёсий фаолиятдан умуман четлаштиришга зўр бериб уринди.

8-мавзу. Маънавий баркамол инсон тушунчаси ва унинг шарқона таърифи ҳамда комил инсон муаммоси

Инсоншунослик ва инсонпарварлик тушунчаларини алмаштирмаслик керак. Инсоншунослик инсонни бир бутунликда ўрганиш бўлиб, халқ педагогикасида, қадимги «Авесто» китобида инсонийлик фазилатлари, комил инсон қандай бўлиши ифодаланади.

Ислом дини тасавву фалсафасида инсонни инсонийликни улуғлайди, уни оламнинг гултожи, Оллоҳнинг ердаги халифаси сифатида таърифлайди. Инсон ўзлигини билишга интилиши, Оллоҳни билишга интилиши, Оллоҳнинг билиши - ўзлигини билиши, илм ўрни билмоқ эканлигини асослашга ҳаракат қилади. Ислом дини нафақат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юри пешвосининг маънавий қиёфаси, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар ҳусусида ҳам бениҳоя ҳаётий тажриба ва сабоқлар беради. Шу боисдан ҳам бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимизни қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тасаввур (сўфийлик) таълимотида инсон руҳий камолотга эришишининг асосий йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблайди. 1) шариат, 2) тариқат, 3) маърифат, 4) ҳақиқат.

Инсонни бир бутунликда ёритиш бадиий адабиётда ҳам алоҳида ўрин тутади., қаҳрамонлар сийратида комил инсон, унинг шаклланиши, ички дунёси ва ҳаёти акс эттирилади.

Адабиётшунослик ҳам инсоншуносликдир. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсоншунослик фани ўзининг қадимги анъаналарини тиклай бошлади. XX аср бошларида Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон асарларида инсон ва халқпарварлик, инсонийлик ва миллатпарварлик ғояси ўз ифодасини топган. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини бугун ҳам маънавият, инсоншунослик дарслиги сифатида ўрганса бўлади. А. Авлоний одамларни хулқи, ҳатти-ҳаракати нуқтаи назаридан 2 гуруҳга бўлади: 1) яхши хулқли кишилар, 2) ёмон хулқли кишилар.

9-мавзу. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик тушунчалари ҳамда миллий ўзини англаш миллий гуруҳ ва миллатга садоқатлилик рамзлари

Ватанпарварлик – бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш ўз она-ватани учун жонкуярлик қилиш, унинг халқини севиш ўлка табиатини севиш, ўзбек халқ кўҳна тарихини билиш, ўз халқининг миллий меросини, маданияти, санъатини, меъморчилик ёдгорликларини асраб авайлаш, Ватан олдида масъулиятли бўлиш, фойда келтириш, халқни ўйлаш ва унга ҳамдард бўлиш, Ватанидан миллатидан, тилидан байроқ мадҳия тамғасида, анъана, қадирят, урф- одатларидан, миллий ғуруридан фойдаланишдир. Аввало, Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қулланилади. Кенг маъноаги тушунчаси: Ватан- бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан иқтиқомат қилган ҳудуд назарда тутилади. Тор маънодаги тушунчаси: Ватан –киши туғулиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилади.

Ўзбекларда фалончи ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй- жойли, бошпанали бўлди деган маънони билдиради. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчаси она юрт, ўрин туғулиб ўсган жой, маскан манзил маъноларида ишлаганлар. Шунингденк Ватан атамаси бадиий адабиётда кўчма маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

10-мавзу. «Диншунослик» фанига кириш

Диншунослик курсининг бугунги вазифаси-динга карши кураш ёки уни ташвиқ қилиш эмас, балки динни ҳаётий ранг-барангликни ташкил этувчи ижтимоий ҳодисалардан бири сифатида урганиш, унинг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш, аниқлаш ва талабалар онгига сингдириш, уларда тугилаётган саволларга ҳозиржавоб бўлиш, келажагимиз гарови бўлган ёшларни диний таассуб ва ундан озикланувчи диний зуравонлик боткоғига тортилишининг олдини олишдан иборатдир. Янада ойдинлаштириб айтадиган бўлсак, «Диншунослик» курсининг вазифаси талабаларга шу соҳада чуқур билим бериш орқали курс доирасига кирган масалаларни таҳлил этишда илмийлик ва обьективлик услубини куллаб, уларда диний қарашлар тараккиётига, инсон камолотига хизмат қиладиган жихатларини ажратиб олиш, мустақил фикр юритиш орқали илмий, фалсафий дунёқарашга асосланган имон- эътиқодни шакллантиришдан иборат.

11-мавзу. Диннинг ибтидоий шакллари

Барча табиий ва ижтимоий ҳодисалар каби ҳозирги динлар ҳам бирданига, тайёр ҳолда пайдо бўлмаган. Улар ҳам гоят оддий, содда, юзаки, ҳолатлардан мураккаб, бир бутун, нисбатан яхлит ҳолатга етган. Бунинг учун ун минглаб давр утган. Хатто ҳозирги жаҳон динлари ҳам вақт, урин, шароитларга қараб, ривожланыпти, мураккабланыпти: уларда янги секта, уюшма, таолимот юзага келяпти, зиддиятлар кучайяпти.

Дастлабки диний тасаввурлар хилма-хил бўлган, чунки уруғ, қабилалар ҳам бир хил эмас, яшаш шароитлари, касб-корлари ҳам ҳар хил бўлган. Бунинг биз археологик топилмалар, этнографик материалларни урганиб, тошларга чизилган расмларни урганиб биламиз.

Диншунослик асослари археология, этнография, тарих, филология, психология, эстетика ва этика фанлари берган маълумотларгагина асосланади. Улар ҳар хил уйдирма, миш-миш, номаълум, исботсиз, далилларсиз даоволарга асло ишонмайди. Шунинг учун ҳар бир одам, жумладан талаба нимагадир ишониши керак-да деган гапга, улар фақат илм-фанга ишониш, амал қилиш керак деб жавоб берган. Талабалар ҳам шундай қилсинлар. Шунда ким нима деса лақиллаб ишонавермайдилар.

Табиатдан, жамиятдан ташқаридаги кучларга ишониш уруғ-қабилачилик тузумининг дастлабки босқичларида бундан 30-40 минг йиллар олдин пайдо бўла бошлаган. Булар қаторига табиатдаги усимлик ва ҳайвонлар дунёси, уларда юз берадиган барча ҳодисалар қудратли ва сехрли, муожизавий кучлар деган асоссиз тасаввурлар юзага келган.

12-мавзу: Миллий динлар

Яҳудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти. Яҳудийликда мессия - халоскорнинг келиши ҳақидаги таълимот.

Садукийлар, Фарзийлар, Ессейлар. Массонизм ва Сио-низм. Сионизмда «жаҳон яҳудий миллати» - «олий миллат» каби ғояларнинг илгари сурилиши. Яҳудийлик

манбалари. Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот). Талмуд. Талмуд Мишна ва Гемара китоблари мажмуаси. Яҳудий маросимлари ва байрамлари. Пейсах (Пасха) байрами. Шабуот байрами. Йом-Кипур - покланиш байрами. Рош-Ашона байрами. Пурим (Қуръа) байрами. Яҳудийлар Марказий Осиёда.

Веда ва веда динлари. Ведалар. Ведалардаги афсонавий ҳудодлар: Индра, Варуна, Митра, Дяус, Адита, Агню, Вишну, Кришна. Брахманлик. Брахманлик таълимотида касталар -брахманлар; кшатрийлар; вайшлар; шудралар. Ману қонунлари. Брахманликдаги руҳнинг кўчиб ўтиш таълимоти. Ҳиндуийлик. Ҳиндистондаги каста тузумини саклаб қолиш учун бўлган ҳаракат. Брахманлик билан буддизм ўртасидаги кураш. Брахманликда тан олинган асосий уч худо: 1) Брахма; 2) Вишну; 3) Шива. Ҳиндуийлик таълимоти. Ҳиндуийликдаги жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар.

Конфуцийлик. Қадимги Хитойда Кун-Цзи фалсафий таълимотининг пайдо бўлиши. Конфуций - қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийликнинг асосчиси. Конфуцийнинг фалсафий ва ахлоқий ғоялари. Конфуций ишлаб чиққан идеал, олий инсон, асл, мард киши концепцияси. Конфуцийчиликнинг диний манбаи. Конфуцийлик ақидаси. Конфуцийликда ижтимоий-ахлоқий масалалар.

Конфуцийликда диний маросимлар: никоҳ маросими; дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросими; Пин-Цзин маросими; Осмон Худоси - конфуцийликнинг бош худоси. Конфуцийнинг илоҳийлаштирилиши.

Даосизмнинг вужудга келиши. Даосизм - фалсафий таълимот. Даосизмнинг фалсафий тамойиллари баён этилган «Дао-Дэцзин» китоби. Хитой донишманди Лао-Цзининг тарихийлиги масаласи. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, айна пайтда у ҳаёт тарзи, усули, тамойиллари ҳамдир.

13-мавзу: Зардуштийлик

Зардуштийлик энг қадимги динлардан бўлиб, бу дин эр.аввал VII-VI асрларда даставвал Урта Осиёда Хоразм воҳасида пайдо булган. Унинг пайғамбари **Зардушт** тарихий шахс эди. У **маздакийлик** динини ислох қилиб, унинг асосида янги **якка худодлик** динини ижод этган.

Зардуштийлик пайдо булган давр биринчи синфий жамият, яъни кулдорлик даври энди пайдо бўлаётган давр эди. У уруг- кабилачилик тузуми емирилиб аҳоли куллар ва кулдорларга, золим ва мазлумларга бўлинаётган давр булган. Бу дин энг аввал Урта Осиё, сунг Эрон, Озарбайжонда қарор топган эди.

И.А.Каримов «Уз келажакимизни уз қулимиз билан қурмокдамиз» деган асарида биз узбек халқи мансуб булган халқнинг тарихи гоёт узун, бекиёс, бетакрор эканини таъкидлаб, бундай деган эдилар:

«Биз жаҳон майдонида қуни кеча пайдо булган халқ эмасмиз, бизнинг миллатимиз халқимиз қуна Хоразм заминидан «Авесто» пайдо булган замонлардан бери уз ҳаёти, уз маданияти, уз тарихи билан яшаб келади.»

Бутун Урта Осиё моддий ва маънавий маданиятининг бешиги Хоразм воҳаси ва у ерда яшаган туркий элатлар булган, шулардан узбек элати ташкил топган.

И.А.Каримов жуда уринли қайт қилганларидек, «Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз». Бу уринда биринчи давлат ташкил топгандан кейинги «ёзма тарих» назарда тутилган. Юнон, Хитой тарихчи сайёхлари уз хотираларида ёзиб қолдирган кейин Зардуштийлик ёзувларида берилаган тарих назарда тутилган.

Хоразмда утروق ҳаёт ундан ҳам бирмунча олдин юзага келган, давлат унинг маҳсули тарзида ташкил топган. Бу ҳақда бундан тахминан 3 минг йил аввал яратилган «Авесто» нинг қулёзмаси бинобарин ёзма тарихнинг илк дебочаси ишончли далолат берган.

14-мавзу: Буддизм

Буддизмнинг асосчиси милoddан аввалги 1-минг йилликда яшаган **Будда** хисобланган. У тарихий шахс булиб, 80 йил яшаган. Унинг хусусида турли ривоятлар мавжуд. Унинг номи хинд тилида нурланган, олий хакикатга эришган деган маонони билдиради. Ривоятларга караганда, кенг маонода куп марта илохий тугилишлар туфайли мутлок баркамолликка эришган; бошкаларга ҳам диний нажот йулини курсата оладиган одамдир.

Аслида баркамолликка эришган инсон диний эмас, дунёвий нажот (озодлик, эркинлик, мустакиллик, маонавият) йулини босиб утиши ва бошкаларга бу йулни курсатиши мумкин холос.

Бу диннинг ривоятларга кура бир одам хайр саховатли булиши ва хакикий оламдаги орзу-хавасларнинг беҳудалигини тушунишга етиб бориши натижасидагина Буддадек булиши мумкин эмиш. Бу зарарли фикрдир. Инсон дунёга орзу-хавас билан, чин инсон сифатида бахтли яшаш, насл колдириш, яхши ном учун келади.

Тор маонода эга Будда буддизм асосчиси хисобланган **Гаутамадир**. У гуё «нурланган», яони «хакикий билимга эришган»дан сунг унга Шакоя-Муни Будда номи берилган. Ривоятларга кура у Ганг дарёсининг урта окимида жойлашган кичик бир давлат шахсининг угли булган экан. Бу шахсининг хотини илохий хомиладорликдан Гаутамани тугган. У вояга етгач, хар кандай мавжудоддек азоб-укубатдан иборат деган хулосага келган. У 7 йил тарки дунёликда яшагандан кейин «хакикатга эришган» ва буни шахар кишлоклар буйлаб таргиб кила бошлаган.

15-мавзу: Християнлик

Хозирги пайтда дунёнинг барча жойида мансуби мавжуд ва дунё нуфузининг 1/5 қисми дин сифатида эътироф этган Христианлик, Фаластин тупроқларида (христианлик мил. I-асрда, тахминан 2000 йил аввал Фаластиннинг Иудея қишлоғида (ҳозирда бу қишлоқ Вифлеем деб номланади) яшовчи дурадгор Иосиф-Юсуф ва унга унаштирилган Марямдан мўъжиза орқали дунёга келган Иисус-Исо номи билан боғланади) вужудга келди. Бу жаҳоншумул-самовий диннинг 1,5 миллиарддан ортиқ мансуби бор. Христианлик, ваҳий ва муқаддас китобга асосланган, аслида яккахудолик эътиқодида эга бўлишига қарамасдан, кейинчалик учлашга (таслис) ўрин берган илохий манбали бир диндир. Бу динда пайғамбар, фаришта, охират, тақдир каби диний тушинчалар ҳам кўзга ташланади. Лекин бу тушунчалар баёни Исломдагидан анчагина фарқ қилади.

Христианликда Исо (а.с) асосий эътиборда туради. Бугунги кунги христианлик яҳудийликнинг эътиқод, ибодат ва урф-одатлари билан бирга юнон-рим (Greko-Romen) дунёси маданиятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган “Нажоткор” ёки “Худонинг Ўғли”ига хос диндир.

Христианлик, носиралик Исога асосланувчи яҳудий-христиан кўринишидаги ҳаракатдир. Исо, Бани исроилни келажак Тангри шохлигига тайёрлашни ўз олдида мақсад қилиб қўйган. Лекин бугунги христианлик, Исонинг ҳаворийлари сафига кейинчалик келиб қўшилган Авлиё Павел (Павлус) баён ва таъвиллари билан умуман бошқача кўриниш ҳосил қилган.

Христиан сўзи “Масихга боғлиқ”, “унга алоқадор” маъноларини билдиради. Бу сўз юнонча “Hristos (christ)” сўзидан келиб чиққан. Ибронийчиси “машиах ёки маших” бўлиб, “ёғланган ва муборак” деган маънони билдиради. Одатда қироллар ўз ишларига бошлашдан олдин муқаддас ёғ билан ёғланганликлари боис, яҳудийлар ҳам келажак қутқарувчиларини шундай номлашган (яъни уларга кўра бу келажак қутқарувчи қирол

мавқеъида бўлиб, унинг ҳам ўз муқаддас вазифасини бошлашидан олдин ёғланажаги таъкидланарди).

16-мавзу: Ислом

Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан биридир. Унга ҳозирги даврда Яқин ва Урта Шарқда Саудий Арабистон, Уммон, Яман, Бирлашган араб амирликлари, Ироқ, Сурия, Иордания, Туркия, Эрон, Африкада Миср, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Судан, Самоли, Осиёда Покистон, Афғонистон, Бангладеш, Индонезия, Марказий Осиё республикалари, МДХ ва Кавказ орти ва Шимолий Кавказ, Волга бўйи республикалари ва хоказоларда яшайдиган аҳоли қиради. Мусулмонларнинг ҳозирги умумий сони тахминан бир милд. Уч юз миллионга яқин деб ҳисобланмоқда. Аммо булар орасида унга ишонмайдиган, иккиланадиганлар ҳам бор, бетарафлар ҳам учрайди.

Хамма ходиса, жумладан дин урин (жой, юрт мамлакат), ижтимоий- иқтисодий шароит, сиёсий вазият ва маданият тарақиёт даражаси билан диалектик боғлиқдир; шу сабабли ислом ҳам аввало муайян бир юрт (мамлакат)да, маолум бир ижтимоий- иқтисодий шароитда, сиёсий вазиятда, маданият ривожланишининг муайян бир босқичида пайдо бўлган.

«Диншунослик» курси. хусусан илмий исломшунослик соҳаси туплаган, таҳлил этган, умумлаштирган маолумотларга қура, ислом VI аср охири VII аср бошларида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган.

17-мавзу:- Исломнинг асосий манбалари

Қуръоннинг 23 йил мобайнида нозил бўлиши. «Қуръон» сўзининг маъноси. Унинг таркиби. Сураларнинг нозил бўлиш даврига қараб тақсимланиши. Макка суралари. Мадина суралари. Илк «сухуф» - қуръон оятларининг жамланиши. Халифа Усмон ибн Аффон даврида қуръоннинг китоб ҳолига келтирилиши. Тошкентдаги Усмон мушфафининг тарихи. Қуръонни ўрганиш асосий мактабларининг вужудга келиши. Уни тушуниш, талқин этишда турли ёндашувлар. Қироат, тафсир, сарф-наҳв, насх-мансук, сабаби нузул каби Қуръон илмларининг тараққиёти.

Ҳадис. Ал-ҳадис ан-набавий. Ал-ҳадис ал-қудсий. Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги манбаи. Ҳадисларни йиғиш (талаб ал-илм) ва жамлаш (УШ-1Х асрлар). *Муснад*, *сунан*, *сахих* ҳадис тўпламларининг вужудга келиши. Машхур муҳаддислар. Имом ал-Бухорий - буюк муҳаддис. Ислом таълимотининг кейинги даврдаги тараққиёти ва ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқишда ҳадисларнинг ўрни.

18-мавзу:- Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

Виждон эркинлиги - диний эътиқод эркинлиги. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонунан қафолатланиши. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи. Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг уставида виждон эркинлигининг ўз ифодасини топиши. Бу масаланинг давлат, жамият ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишидаги аҳамияти. Кишилар эътиқодининг турлилиги.

Мустиқиллик ва дин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждон эркинлигининг қафолатланиши. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши. Ўзбекистонда амада бўлган турли диний конфессиялар. Миллий истиқлол ва маънавият бир-бирига

мустаҳкам боғлиқ тушунча эканлиги. Маънавиятнинг тарихан қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни. Диний дунёқарашнинг инсоният ҳаётидаги ўрни.

Баркамол инсонни шакллантириш Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг назарий асоси эканлиги. Дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида ҳар бир одамда шахсий фикр, мавқенинг шаклланиши. Имонли, комил инсонларни тарбиялаш Ўзбекистон мустақил келажаги учун кафолат эканлиги.

III. АМАЛИЙ, СЕМИНАР, ТАЖРИБА ДАРСЛАРИ ВА МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

3.1. Амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари

- 1. Мавзу:** Маънавият тушунчаси, унинг келиб чиқиши
- 2. Мавзу:** -Маънавият ва маънавий мерос. уларнинг қадимийлиги ва узаро муносабати, маънавият ва маданият .Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг узаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган урни.
- 3. Мавзу:** -Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура. Миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг узаро муносабати. Марказий осиё халқларининг қадимий маънавияти. Ислоҳ динида инсон маънавияти масаласи
- 4. Мавзу:** - «Диншунослик» фанига кириш
- 5. Мавзу :** -Диннинг ибтидоий шакллари
- 6. Мавзу:** -Миллий динлар
- 7. Мавзу:** -Зардуштийлик дини, Буддавийлик, Христианлик
- 8. Мавзу:** -Ислоҳ . Ислоҳнинг асосий манбалари
- 9. Мавзу:** - Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар. Диний экстремизм ва фундаментализм

3.2. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишнинг асосий мақсади – талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Мустақил ишнинг ташкилий шакллари қуйидагилардан иборат: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш; берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш; семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш; ҳисоб, жадвал ва график ишларини бажариш; илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.

«Маънавият асослари ва диншунослик» фанини ўзлаштираётганда мустақил таълимнинг мавзулари ва қўриладиган саволлар рўйхати қуйидагича келтирилган:

1. Маънавият тушунчаси, унинг келиб чиқиши
2. Маънавият ва маънавий мерос. уларнинг қадимийлиги ва узаро муносабати, маънавият ва маданият .
3. Маънавият ва иқтисодиёт, уларнинг узаро муносабати ва жамият ҳаётида тутган урни.
4. Маънавият ва сиёсат, ҳуқуқ, мафкура.
5. Миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг узаро муносабати.
6. Марказий осиё халқларининг қадимий маънавияти.
7. Ислоҳ динида инсон маънавияти масаласи
8. «Диншунослик» фанига кириш
9. Диннинг ибтидоий шакллари

10. Миллий динлар
11. Зардуштийлик дини.
12. Буддавийлик.
13. Христианлик.
14. Ислон.
15. Ислоннинг асосий манбалари.
16. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.
17. Диний экстремизм ва фундаментализм.

IV. КУРС ИШИ (ЛОЙИХАСИ) БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Ушбу фан бўйича курс ишлари режалаштирилмаган.

3	Махсус курс бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал қоидалари
----------	--

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» мавзусидаги ва “Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2006 йилдаги иқтисодий ислохотларни энг муҳим устувор йўналишлари”га доир маърузасида Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, 2005 йилда иқтисодиётни ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари, иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш. 2005 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар ва молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш. 2006 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари, бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини камайтирилишига эришиш, таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шароитларни яратиш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит, шароит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этиш. экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, энергия ресурслари, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар – кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда каттиқ тежамкорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги масалаларни атрофлича ёритиб берди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар олий таълим тизими ўқув жараёнлари учун ҳам янги талабларни келтириб чиқармоқда. Шундай талаблардан бири ўқув жараёнида илғор педагогик ва таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Таълим жараёнида педагогик ва таълим технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсад таълим олувчида етарли даражада билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш асосида тингловчиларда эркин ва мустақил фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади. Таълим

